

БУХОРО ВОҲАСИДА “ЧИМИЛДИҚ” МАРОСИМИ: АНЪАНА ВА ЎЗГАРИШЛАР

*Шамсиева Зилола Аскарровна, Термиз давлат университети
таянч докторанти*

СВАДЕБНЫЙ ОБРЯД “ЧИМИЛДИҚ” В БУХАРСКОМ ОАЗИСЕ: ТРАДИЦИИ И ПЕРЕМЕНЫ

*Шамсиева Зилола Аскарровна, докторант Термезского
государственного университета*

“CHIMILDIQ” CEREMONY IN BUKHARA OASIS: TRADITIONS AND CHANGES

*Shamsieva Zilola Askarovna, Termez State University, (PhD)
student*



<https://orcid.org/0009-0000-8591-6082>

e-mail:

z.shamsiyeva@mail.ru

Аннотация: Мақолада Бухоро воҳаси никоҳ тўйи тизимидан муҳим ўрин олган “чимилдиқ” маросими тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганилади. Шунингдек, маросимни ўтказиш тартибининг айрим жиҳатлари республикамизнинг бошқа ҳудудларига, жумладан, Хоразм ва Қашқадарё воҳалари мисолида қийсий ўрганилган. Бугунги кунда маросим ўтказиш тартибидаги ўзгаришлар, воҳа ўзбек ва тожиклари орасида кенг тарқалган “саломномахонлик” вариантлари ҳам мақолада таҳлил этилган.

Калит сўзлар: “чимилдиқ”, чимилдиқ дастурхони, “саломнома”, кайвони, белбоғ, машғала, олов култи, диний эътиқод, анор култи, ранглар билан боғлиқ культлар.

Аннотация: В статье с историко-этнографической точки зрения анализируется обряд «чимилдиқ», входящий в систему свадебных обрядов Бухарского оазиса. Также некоторые аспекты процедуры проведения обряда сравнивались с другими регионами нашей республики, в том числе с Хорезмским оазисом, Кашкадарьинским оазисом. Кроме того, в статье научно изучены некоторые изменения в порядке проведения обряда сегодня, «саломнома», исполняемые узбеками и таджиками оазиса во время обряда.

Ключевые слова: обряд, «чимилдиқ», «саломнома», факел, культ огня, религиозные верования, культ граната, культы, связанные с цветами, стол чимилдиқ, кайвани, пояс.

Abstract: In the article, the “chimildiq” ceremony, which is part of the system of wedding ceremonies of the Bukhara oasis, is analyzed from a historical and ethnographic point of view. Also, some aspects of the procedure of conducting the ceremony were compared to other regions of our republic, including Khorezm oasis, Kashkadarya oasis. In addition, some changes in the order of conducting the ceremony today, the “salomnoma” performed by the Uzbeks and Tajiks of the oasis during the ceremony are scientifically studied in the article.

Key words: ceremony, “chimildiq”, “salomnoma”, fire cult, religious belief, pomegranate cult, cults related to colors, chimildiq table, kayvani, belt.

КИРИШ. Бухоро воҳасида никоҳ тўйи асосий компонентларидан бири – фотиҳа тўйи келин уйида (бугунги кунда кўпинча тўйхона-ресторанларда) ташкил қилинган, “чимилдиқ” (тож. “чимилиқ”) маросими ўтказилади. Келин хонадонидида келин ва куёв “чимилдиқ”қа киритилади. Одатда, келин уйига куёвжўралар билан жар солиб куёш ботган келади. Бироқ бугунги кунда воҳанинг айрим туманларида чимилдиқ маросими кундузи ҳам ўтказилади. Келин хонадонидида аёллар учун мўлжалланган хона бурчагида чимилдиқ осилади, маросимга тайёргарлик ишлари олиб борилади. Шуни таъкидлаш лозимки, чимилдиқ маросими республикамизнинг ҳудудларида ҳар хил тартибда ўтказилади. Олиб борилган дала тадқиқотлари жараёнида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ушбу маросимнинг ташкил этилишида баъзи ўхшашликлар кўзга ташланса-да, Бухоро воҳасига хос анъанавий этник хусусиятлар мавжудлиги ҳам аниқланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Этнологлар томонидан, чимилдиқ маросими Бухоро воҳаси кесимида алоҳида тадқиқ этилмаган. Элшунос олимлар томонидан маросимнинг ўтказилиши хусусида айрим фикрлар айтиб ўтилган бўлса-да, маросимнинг анъанавий ва замонавий ўтказилиш тартиблари хусусида яхлит тадқиқот мавжуд эмас. Бухоро воҳаси аҳолисининг анъанавий никоҳ тўйи маросимлари баъзи жиҳатлари, хусусан, XX асрда Зарафшон воҳасида ўтказилган тўй маросимлари О.А.Сухарева, Н.А.Кисляков, Н.П.Лобачева Т.Г.Емельяненко каби рус этнографларининг илмий тадқиқотларида баён этилган. Бироқ “чимилдиқ” маросими ва унинг анъанавий ва замонавий ўтказилиш тартиблари этнографик нуқтаи-назардан ёритилмаган.

Тилшуносларнинг маълумотларига қараганда, “чимилдиқ” сўзи кўп маъноли сўз бўлиб, аввало, хона бурчагига осиладиган мато маъносида тушунилади. Бундан ташқари, келин ва куёв киритиладиган муқаддас гўшанга маъноси мавжуд. Чимилдиқ, гўшанга — никоҳ

тўйи куни кизнинг уйидаги куёв кирадиган хонага ва куёвнинг уйидаги келин тушадиган хонанинг бир бурчагига ёки уйнинг тўрига тутиладиган махсус оқ парда ёки гулли чойшаб. Хоразмда эса чимилдиқ “қўшаяна” деб аталади, “қўшаяна бичар” маросими ҳам ўтказилади (гўшанга ёки чимилдиқ тикиш маросими) [5-46]. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида чимилдиқ даставвал (куёв келар кечаси) кизнинг отаси уйида тутилиб, келин-куёв киритилган. Куёвникида ҳам келин учун чимилдиқ тутилади. Баъзи хонадонларда тўйнинг эртаси куни, бошқа жойларда эса маълум муддат ўтган, чимилдиқ йиғиб, олиб қўйилган. Қадимда анъанага мувофиқ, чимилдиқ келин онаси томонидан оқ ёки гулли матодан ният қилиб тикилган. Келин биринчи фарзанд кўрганда ундан чақалоқнинг бешигига ёпқич, ёстик, кўрпачаларини тикишган[9-532]. Бухоро воҳасида эса битта чимилдиқ оиладаги барча фарзандларга ишлатилган, фойдаланиш учун қариндош-уруғларга ҳам берилган.

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА. Бухоро воҳаси аҳолиси никоҳ тўйларида “чимилдиқ” маросими алоҳида аҳамиятга эга. Воҳада ушбу маросим белгилаб қўйилган тартибда ўтказилади. Қашқадарё воҳаси никоҳ тўйида куёв томонидан чимилдиқ 3х3 метр ҳажмдаги гулли рангли матодан тикилганлиги, келин тушадиган хона тўрига тутилганлиги, бундан ташқари, чимилдиқ учун гулли, нақшли сўзаналардан ҳам фойдаланилганлиги, чимилдиқ тутиш ҳар қандай аёлга ишонилмаганлиги, қатор ирим-сиримларга риоя қилинганлиги ўрганилган[3-68-74].

Воҳада чимилдиқни кўп болали (боласи касал ва нобуд бўлмаган), ували-жували, бир никоҳли, нияти пок икки аёл қоқишган. Улардан бири келиннинг, иккинчиси эса куёвнинг яқин қариндошларидан бўлган. Чимилдиқ илинадиган михни ёшларнинг ҳаёти ширин бўлсин, деб новвот билан қоқишган. Икки ён томонидаги ортиб қолган ипига эса новвот ва қошиқ, баъзан новвот ва исирик биргаликда боғлаб қўйилган. Чимилдиқнинг икки четидаги михга келин ва

куёвга кўз тегмасин, суқ ва ҳасаддан йироқ бўлсин, деб седана ва исирик, туз, итнинг жума кунги ахлати ҳамда дуолар битилган туморлар осиб қўйилган[10]. Этнолог А.Ашировнинг таъкидлашича, чимилдиқ келинни ёвуз кучлар ва ёмон кўзлардан асровчи ўзига хос афсунгарлик воситаси бўлган. Чимилдиқ айнан шу сабабга кўра келинни рамзий ҳимоя қилиш функциясини бажарган[1-94]. Бугунги кунда чимилдиқ маросими воҳа ўзбеклари ва тожиклари никоҳ тўйининг асосий, энг муҳим, анъанавий компоненти саналади. Бироқ бугунги кунда Когон тумани Зирабод қишлоғида истиқомат қилувчи эронийларда ушбу маросим ўтказилмайди[11].

О.А.Сухарева ўзининг тадқиқотларида махсус никоҳ тўйи маросимларини ўрганмаган бўлса-да, уларнинг айримлари хусусида атрофлича маълумот келтириб ўтади. Хусусан, олима келиннинг тоғаси келиннинг отаси бўлмаган тақдирда ёки келин отаси иштирок этмайдиган маросимларда “падарвакил” (ўзб. “ота томонидан юборилган шахс”) бўлишини, тожиклар орасида “Тоғо жойи ҳаф падара мегирад”, яъни “тоға етти ота ўрнини босади” нақлига риоя қилинганини таъкидлайди[6-17]. Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунда ҳам Бухоро воҳасида ушбу нақлга ҳали-ҳануз амал қилишади. Чимилдиқ маросимида ҳам қизга розилик изҳор қилинаётганда мабодо унинг отаси бўлмаса, аввало, сўз (яъни рухсат дегани) келиннинг тоғасига берилади. Бундан ташқари, келинни куёв хонадонига жўнатишда ҳам шу қоидага амал қилинади, яъни келиннинг отаси ёки акаси бўлмаса, уларнинг номидан тоға иш тутади[12].

Маросимда отинойи томонидан ўқиладиган “саломнома”лар ҳам ўзбек ва тожик тилида ўқилганини қайд этади. Келин ва куёв чимилдиққа отинойи (тож. “оямулло”) раҳнамолигида саломномахонлик билан аввал келин, кейин куёв олиб қирилган. Маросимда қуйланган саломномаларда куёв таърифи, келин-куёвга аталган орзу-тилақлар ўз аксини топган[13].

Келин ва куёв чимилдиққа, яъни муқаддас гўшангага ўнг оёқ билан қадам босиб киришлари

ўқтирилади, куёв чимилдиққа келиннинг ўнг оёғини ўзининг ўнг оёғи билан босиб қиради ва бу удум воҳа ўзбеклари орасида “оёқ босди” (тож. “пой пашкардан”) деб аталади. Келин-куёв чимилдиққа киргач, даврадаги барча аёллар ёр-ёр ўқиб, доира садолари остида рақсга тушишади. Шундан сўнг отинойи келин ва куёвга ўтиришга рухсат беради. Сўнгра чимилдиқ дастурхони билан боғлиқ урф-одатлар бажарилади. Бу одатлар бажарилаётганда, кайвони аёл исирик (тож. “ҳазориспанд”) тутатиб, “Ҳазориспандни тутатдим, минг балони узоқлаштирдим”, деб аввал келин ва куёвга, кейин бошқа меҳмонларга тутиб чиқади[14].

Чимилдиқ ичида келин ва куёв томонидан бажариладиган расм-русумларни кайвони (тож. “вакила”) келин-куёвга ўқтириб ўтиради. Чимилдиқ ичида қуйидаги расм-русумлар кетма кет бажарилади: куёв келинга дастурхондаги асалдан ялатади, бунда “ҳаётлари асалдек ширин бўлсин” деган мақсад ётади. Сўнгра, келин ва куёв бир-бирига чимилдиқ дастурхонига қўйилган шохқосадаги сутдан ичиради. Воҳа аҳолисининг фикрига кўра, сут ҳам оқ рангда бўлганлиги учун фаровон ҳаёт ва бахтлилик рамзи саналади. Шундан сўнг, дастурхондаги қовурилган чучварадан тановул қилинади ва келин-куёвнинг фарзандлари кўп бўлсин деб ният қилинади. Келин ва куёв қайнатилган тухум пўчоғини арчишда мусобақалашади, айрим келин-куёвлар бир-бирига ойна орқали қарайди ва ушбу удум ўзбеклар орасида “ойна кўрсатар” деб аталади[15].

Барча расм-русумлар бажарилгач, кайвони хола келиб, фарзандлари кўпайсин деб ният қилиб, белбоғда ўралган қайнатилган тухумларни келиннинг этагига солади ва бу удум воҳа ўзбеклари орасида “тухум солар” дейилади. Келин эса бу жараёнда ўрнидан туриб, чукур-чукур таъзим қилади. Тадқиқотчи Г.Шербеконинг маълумотларига қараганда, айрим қишлоқларда яна келин-куёв қўлига бола тутқазилади ва бу одат “бача солди” деб аталади. Бунда бола қиз ҳам, ўғил ҳам бўлиши мумкин[8-16]. Ушбу расм-русумлар бажарилгач, келин, одатда биринчи навбатда онага хурмат маъносида, қайнонасига,

сўнг куёвга чой куйиб, узатади. Энг охирида куёв келинга сирға ёки узук совға қилиб, ўзи тақиб қўяди[16]. Ушбу удумнинг замирида исломий қараш мавжуд деган қараш ҳам мавжуд, яъни ислом динида келинга берилиши лозим бўлган маҳрни бухоролик куёвлар шу пайтда беради, деб ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда айрим бой хонадон куёвлари келинга маҳрни алоҳида равишда (қимматбаҳо телефон, уй, тақинчок кўринишида) бераётган ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

Воҳа тожикларида чимилдиқ дастурхони “дастурхони тақи чимилиқи” деб аталади. Чимилдиқ дастурхони кўриниши бугунги кунда сезиларли даражада ўзгарган. Сабаби, кекса респондентларнинг айтишларига қараганда, анъанавий равишда чимилдиқ дастурхонида нон, оқ қанд, новвот, асал, сут каби маҳсулотлар, бугунги кунда замонавий чимилдиқ дастурхонида қимматбаҳо шоколадлар, турли хилда безалган мевалар, куруқ мевалар, ҳатто айрим хонадонларда торт пишириғи ҳам учрашининг гувоҳи бўлди. Албатта, ушбу ҳолатлар бир томондан кишининг завқини келтириб, тўйга хос кайфиятни кўтарса, иккинчи томондан аҳоли орасида дабдабозлик, исрофгарчиликка олиб келади. Чимилдиқ дастурхони учун ишлатиладиган идиш-товокларни келиннинг онаси ният қилиб олиб қўяди.

Кайвони куёвнинг белидаги белбоғини чимилдиқ дастурхони дағи ёнғок, новвот, тухум, ширинликлардан тўлдириб, боғлаб, куёв қўлига беради. Сўнгра куёв чимилдиққа юзи билан қараб, орқага кадамлар ташлаб ташқарига чиқади ва қўлидаги тугунчани уни пойлаб турган ўртоқлари қўлига отиб юборади. Тугунли белбоғни қайси куёвжўра тутиб олса, навбатдаги никоҳ тўйи ўшанинг хонадонида бўлади, сингари тушунча халқ орасида кенг тарқалган[17].

НАТИЖАЛАР. Никоҳ тўйи тизимидаги муҳим аҳамиятга эга чимилдиқ маросими воҳанинг барча туманларида ўтказилади. Фақат Шофиркон, Ёздувон туманлари айрим қишлоқларида, кундузи ўтказилганининг гувоҳи бўлди[18]. Бухоро шаҳрида эса ушбу маросим

доимий равишда куёш ботгач, шомдан кейин, юлдузлар чикқач ўтказилади. Келин куёв уйига олиб келинганда ҳам чимилдиқ солинади. Чимилдиқ хонадонларда 3 кундан 7 кунгача осиб қўйилади. Анъанага қўра, келин ва куёв қўшилгандан сўнг, “жой йиғди” маросими ўтказилган ва сўнгра чимилдиқ йиғиштирилган[19].

ХУЛОСА. Этнологлар томонидан чимилдиқ маросими Бухоро воҳаси кесимида алоҳида тадқиқ этилмаган. Бухоро воҳаси аҳолиси турмушида “чимилдиқ” маросимининг ўзига хос локал хусусиятларига эга. Воҳада узок вақт ўзбек ва тожикларнинг ёнма-ён яшаб келганлиги боис, ушбу маросимни ташкил этишда икки халқ маросимларидаги ўзаро ўхшашлик, бири иккинчисини тўлдириши сингари жиҳатлар уйғунлашуви намоён бўлди. Чимилдиқ маросимида бугунги кунда ҳам халқ эътиқодий қарашлари билан боғлиқ бир қатор культлар кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ashirov A.A. O‘zbek xalqining qadimiy e’tiqod va marosimlari . T., 2007.-B.94.
2. Емельяненко.Т.Г.Современная свадьба в Каракуле: традиции и инновации. Этнические традиции в культуре. Санкт-Петербург. 2019.-С.27-28.
3. Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Ленинград., Наука. 1969.-С.98.
4. Лобачева Н.П. О формировании нового свадебного обряда у народов Узбекистана // СЭ. 1967. № 2. С.15—25. Тот же текст на англ. аз. в: Central Asian review. 1968. V. 15. № 4.
5. Маткаримова Н. Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XX аср ва мустақиллик даври). Тарих фанларидан фалсафа доктори (PhD). ...дис.-Нукус.2020.-Б.46.
6. Сухарева О.А. Свадебные обряды таджиков города Самарканда и некоторых других районов Средней Азии.//Советская этнография-М.,1940.-С.172-176.
7. Tosheva T.S. XX asrda Qashqadaryo vohasi o‘zbeklarining nikoh to‘yi marosimlari. Tarix fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – Toshkent. 2002.-B.68-74.

8. Шербекова Г.Я. Бухоро никоҳ тўйи фольклорининг локал хусусиятлари, жанрий таркиби ва бадиияти. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.-Тошкент – 2022.-Б.16.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти.- Тошкент.-С.532.
10. Dala ma'lumotlari. Buxoro shahri Xo'ja Ismat ko'chasi. 2024-yil.
11. Dala ma'lumotlari . Buxoro viloyati Zirabod MFY. 2024-yil.
12. Dala ma'lumotlari. Buxoro shahri, Buxoro tumani, Kogon shahri, Kogon tumani. 2024-yil iyun-iyul oylari.
13. Dala ma'lumotlari. Buxoro shahri Jo'ybor MFY. 2025-yil.
14. Dala ma'lumotlari. Buxoro tumani Arabxona MFY. 2024-yil.
15. Dala ma'lumotlari. Buxoro shahri Afshormahalla MFY. 2023-2024-yil.
16. Dala ma'lumotlari. Buxoro shahri Tagbandbofon MFY. 2024-yil.
17. Dala ma'lumotlari . Buxoro shahri, Jondor, Shofirkon, G'ijduvon tumanlari.
18. Dala ma'lumotlari. Shofirkon tumani, G'ijduvon tumani. 2023-yil.
19. Dala ma'lumotlari. Buxoro tumani O'tror MFY, Rabotqozi MFY. 2024-yil.

